

РОССИЯ-УКРАИНА МОЖАРОСИННИНГ ЎЗБЕКИСТОН ҲАРБИЙ ХАВФСИЗЛИГИГА ТАЪСИРИ

Мустақил тадқиқотчи: Тожибоев Илёсбек

Мақолада Россия ва Украина ўртасида 2022 йил феврал ойида бошланган қуролли тўқнашувнинг Ўзбекистон ҳарбий хавфсизлигига таъсири хусусида сўз боради.

Калим сўзлар: Қуролли Кучлар, ҳарбий хавфсизлик, қуролли конфликт, глобаллашув, халқаро муносабатлар, геосиёсий қарама-қаршилик, хусусий ҳарбий компаниялар, меҳнат миграцияси.

The article talks about the impact of the armed conflict between Russia and Ukraine, which began in February 2022, on the military security of Uzbekistan.

Key words: Armed Forces, military security, armed conflict, globalization, international relations, geopolitical conflict, private military companies, labor migration. В статье говорится о влиянии вооруженного конфликта между Россией и Украиной, начавшегося в феврале 2022 года, на военную безопасность Узбекистана.

Ключевые слова: Вооруженные Силы, военная безопасность, вооруженный конфликт, глобализация, международные отношения, geopolитический конфликт, частные военные компании, трудовая миграция.

Глобаллашув давом этаётган ва халқаро муносабатларнинг бутун тизими ўзгариб бораётган шароитларда жаҳондаги ҳарбий-сиёсий вазият халқаро ва минтақавий хавфсизликка хавф-хатар ҳамда таҳдидлар кўлами кенгайиб бораётганлиги — геосиёсий қарама-қаршиликнинг кучайиши, можаролар ва танг вазиятларни куч ишлатиб ҳал этишга бўлган ёндашувнинг устунлик қилиши, куч ишлатиш, шу жумладан оммавий қирғин қуролини қўллаш эҳтимоли ошганлиги, ҳарбийлаштириш, халқаро терроризм ва экстремизм фаоллашганлиги, ахборот макони ва кибермаконда ўзаро кураш кучайганлиги билан тавсифланади.

Халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормаларининг эркин талқин этилиши ҳамда танлаб қўлланилиши ҳоллари тобора кучаймоқда.¹

Бугунги кунда қуролли конфликтларда хусусий ҳарбий компаниялар замонавий халқаро муносабатларнинг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Жаҳонда сиёсий, ижтимоий-иқтисодий зиддиятлар, ҳарбий сиёсий вазиятнинг ривожланиш динамикаси, ҳарбий таҳдидларнинг таркиби ўзгаришлар рўй бермоқда. Шу боисдан, ҳам ҳар бир давлат ўз хавфсизлигини таъминлаш учун

¹ Ўзбекистон Республикаси Мудофаа доктринаси. 2 боб Доктринанинг ҳарбий сиёсий жиҳатлари. ЎРҚ458 с. 2018 йил 9 январь.

мамлакат мудофаасини таъминлашга бўлган таҳдидларни аниқлаши ва бунга қарши тегишли чора тадбирларни ишлаб чиқиши лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг бу борадаги расмий позициясини президентимиз Ш.М. Мирзиёевнинг қўйидаги фикрларида кўришмиз мумкин:

“Ташқи сиёсатимизнинг асосий маъно-мазмуни – тинчликпарварлик, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, юзага келадиган зиддият ва қарама қаршиликларни фақат тинч, сиёсий йўл билан ҳал этиш, барча хорижий давлатлар ва жаҳон ҳамжамияти билан амалий ҳамкорлик қилишдан иборат. Мамлакатимиз ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокларга қўшилмайди, бошқа давлатларнинг ҳарбий база ва объектлари Ўзбекистон ҳудудида жойлаштирилишига, шунингдек, ҳарбий хизматчиларимизнинг мамлакатимиз ҳудудидан ташқарида бўлишига йўл қўйилмайди. Ташқи сиёсатни амалга оширишда барча давлатлар, биринчи навбатда, қўшни мамлакатлар билан дўстона муносабатлар ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз”.²

Юқоридагилардан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси ҳарбий хавфсизлигига бўладиган қўйидаги таҳдидларни санаб ўтиш мумкин.

- хорижий давлатларнинг маҳсус хизматлари, ташкилотлари ва уларнинг коалицияларининг томонидан молиялаштириладиган турли бузғунчи кучларнинг фаоллашиши. Масалан Ўзбекистон Республикасига қарши ҳар қандай қўпорувчилик фаолияти;
- минтақа давлатлари ўртасида давлат чегараларини делимитация қилиш масалалари тўлиқ ҳал қилинмаганлиги. Натижада учинчи кучлар бундан ўз мақсадида фойдаланиши мумкин;
- миллатлараро зиддиятлар, давлат чегараси ва унинг иттифоқчилари чегараларига туташ ҳудудларда миллатлараро ва динлараро кескинлик ўчокларининг мавжудлиги (*пайдо бўлиши*), ҳалқаро қуролли радикал гурухлар, дунё минтақаларида хусусий ҳарбий компанияларнинг фаолияти, шунингдек, ҳудудий қарама-қаршиликларнинг мавжудлиги, айрим ҳудудларда сепаратизм ва экстремизмнинг ўсиши;
- оммавий қирғин қуроллари, замонавий ракета технологияларнинг тарқалиши;
- айрим давлатлар томонидан ҳалқаро шартномаларнинг бузилиши, шунингдек қуролланишни тақиқлаш, чеклаш ва қисқартириш соҳасида илгари тузилган ҳалқаро шартномаларга риоя қиласлик (*хориж мамлакатларида*);
- МДҲ давлатларида “рангли инқилоблар”ни ташкил этишда иштирок этувчи ҳалқаро ташкилотлар фаолиятининг фаоллашуви;

² Шавкат Мирзиёевнинг сайлов олди дастурида Коррупция ва уюшган жиноятчиликка қарши курашни устувор вазифа сифатида белгиланган. prezident.uz.

- глобал экстремизм, терроризм таҳдидининг кучайиши ва унинг етарли даражада самарали бўлмаган халқаро аксилтеррор ҳамкорлик шароитида янги кўринишлари, радиоактив ва заҳарли кимёвий моддаларни қўллаш билан террористик ҳужумларнинг ҳақиқий таҳди迪, трансмиллий уюшган жиноятчиликнинг кенгайиши, биринчи навбатда курол ва гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланиши;
- давлатларнинг суверенитети, сиёсий мустақиллиги, ҳудудий яхлитлигига қарши қаратилган ва халқаро тинчлик, хавфсизлик, глобал ва минтақавий барқарорликка таҳдид солувчи халқаро ҳукуққа зид ҳаракатларни амалга ошириш учун ахборот-коммуникация технологияларидан ҳарбий ва сиёсий мақсадларда фойдаланиш.

Табиийки, Ўзбекистон Республикаси ҳарбий хавфсизлигига таҳдидлар рўйхати унчалик тўлиқ эмас, унинг ҳарбий ва бошқа соҳалар доираси доимий равиша кенгайиб, янги шаклларга эга бўлмоқда. Бу ҳолатлар давлат ва ҳарбий органлардан уларни ўз вақтида аниқлаш ва уларга муносиб жавоб беришни талаб қиласи.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлик концепциясида миллий хафсизликга таҳдидлар ўрнида ҳарбий соҳада қуидаги таҳдидлар келтирилиб ўтилган:

- Ўзбекистон чегаралари яқинида қуролли кучлар гурухларининг кўпайиши;
- ҳарбий можаролар зонасига, чегарадош мамлакатлар ва умуман минтақадаги экстремист ва террорчи ташкилотларга ноқонуний равиша қурол-яроғ етказиб бериш;
- ялпи қирғин қуролларининг тарқалиши ҳамда оддий қуроляроғларнинг назоратсиз тарзда тарқалиши;
- Ўзбекистон Қуролли Кучлари қудратининг мудофаа учун оқилона зарурат даражаси кўрсаткичларига номувофиқлиги;
- ҳарбий инфраструктуранинг етарли даражада ривожланмаганлиги;
- халқаро ҳарбий-сиёсий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорликнинг ривожланмаганлиги.

Ўзбекистоннинг Россия ва Украина ўртасидаги уруш ҳақидаги қарашлари бошқа Марказий Осиё мамлакатлари сингари, Россия-Украина қуролли конфликтда нафақат баъзи мамлакатлар иқтисодиётга таъсир кўрсатади, балки Марказий Осиё давлатлари учун ҳам маълум бир қарашларга олиб келганлигини кўришимиз мумкин.

Бугунги кунда, Ғарб давлатлари томонидан Россияга қарши санкциялар қўлланилиши Россия иқтисодиётга қаттиқ зарба берди ва биринчи навбатда меҳнат муҳожирлари ва уларнинг оила аъзоларига қийинчиликлар тўғдирмоқда. Аммо, Россияда кичик ҳукуқбузарликлар учун мамлакатдан чиқариб юборилган

мехнат мигрантларига нисбатан амнистия эълон қилиш таклиф этилди. Бу чора Россия меҳнат бозорига бир неча ўн мингдан 200 минггача хорижлик ишчиларни жалб қилишга ёрдам беради, бу эса Россия қурилиш мажмуасини энг кўп қизиқтиради. Россия Украйна қуроли конфликт бўлаётган бир пайтда бундай депортация қилинган фуқароларни қайтариш таклифи бекорга эмас, балки хусусий ҳарбий компанияларга ёллаш енгилрок тарзда бўлиши таҳлил қилинмоқда. Статистик маълумотларга кўра, Россия меҳнат миграциясида бир миллиондан уч миллионгacha Ўзбекистон фуқаролари ишлаб келмоқда.

Ядро қуролига эга бўлган ҳар қандай давлатга ҳам ҳужум қилиб бўлмайди, бундай давлатнинг иттифоқчисига ҳам ҳужум қилиб бўлмайди, чунки бундай ҳужум натижасини ҳамма тушунади.

Бироқ, ҳар бир давлат турли халқаро шартномаларда тасвирланган замонавий дунёнинг халқаро хавфсизлиги концепциясига тўғри келмайдиган ўз манфаатларига эга.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони. – Халқ сўзи, 2017 йил 18 февраль. – № 28 (6722).
2. Мирзиёев Ш.М. «Марказий Осиё: Ягона тарих ва умумий келажак барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик» номли халқаро конференциядаги нутқи. 10 ноябрь, 2017 йил
3. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами;
4. Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа Доктринаси 09.01.2018 йилдаги ЎРҚ-458-сон;
5. Ўзбекистон Республикаси ТИВ ахборотномаси;
6. <http://www.lex.uz>
7. www.polit-asia.kz
8. <http://www.gov.uz>;
9. <http://www.stat.uz>